# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 133 (8.717) ◆ 1995 йил ◆ 15 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР Федерал Президенти Роман Ѓерцогнинг таклифига биноан Германияга расмий ташриф билан жўнаб кетди.

— Мазкур сафардан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уни янги босқичга кўтаришдир, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан аэропортда журналистлар билан суҳбатда.— Шу боис ташриф чоғида ГФР Федерал Президенти, мамлакат Ташқи ишлар вазири, Бундестаг раҳбарияти ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказиш ниятидамиз.

Делегациямиз 15 ноябрь куни Штутгарт шаҳрида ЮНЕСКО ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог ташаббуси билан ўтказилаётган «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Президент Ислом Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

*Ўзбекистон — Германия: ҳамкорлик қирралари*

## КЕНГ КЎЛАМЛИ АЛОҚАЛАР

Шуни айтиш керакки, Германия жаҳонда ривожланган мамлакатлар ичида етакчилардан бири ҳисобланади. Дунёдаги ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотларнинг тахминан 6,7 фоизи германиялик саноатчилар улушига тўғри келади. Умумий миллий даромад бўйича эса мамлакат АҚШ ҳамда Японияядан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Айни пайтда миллий даромад ҳар бир одамга 18 минг доллардан тўғри келади.

Бугунги кунда айниқса Германиянинг «Тиссен», «Крупп», «Хеш», «Маннесман» ва бошқа саноат корпорацияларининг довруғи кенг ёйилган. «Байер АГ», «БАСФ», «Хахст» каби кимё саноати дарғалари ҳам мамлакат иқтисоди ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Германия дунёда учинчи ўринни эгаллаб турибди. Четга автомобиль сотиш бўйича ҳам 1—2-ўринни эгаллаган «Фольксвагенверк», «Даймлер — Бенц», «Адам Опель», «Фордверке», «БМВ» каби автомобиль ишлаб чиқариш корхоналари шулар жумласидандир.

Энди Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқаларга келсак, 1992 йилгача Ўзбекистонда асосан хом ашё маҳсулотлари жўнатилиб, Германиядан халқ истеъмоли буюмлари ва озиқ-овқат моллари олиб келинарди.

1992 йил август ойидаги Германия иқтисодий ҳамкорлик вазири жаноб К. Х. Ширангернинг Ўзбекистонга келиши икки томонлама савдо-иқтисодий алоқада тубдан бурилиш ясади. Унинг республикамиз Президенти Ислом Каримов билан учрашуви икки давлат ўртасида иқтисодий алоқаларнинг аниқ йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хусусийлаштириш дастурини амалга оширишда, иқтисодий ривожлантиришда Германия тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари Германия Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда ёрдам қўлини чўзмоқда. Германиянинг йирик фирма ва компаниялари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларини ўрнатмоқда. «ВАЕФ», «ХАХСТАГ», «Максима», «Ферросталь», «Нибессо», «Текстима экспорт-импорт ГМБХ», «Гир Хандельс ГМБХ» ва бошқа саноат дарғалари шулар жумласидандир. Улар айни пайтда Ўзбекистон пойтахтида ўз ваколатхоналарини очишган.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Германия Федератив Республикаси ҳамкорлигида қўшма корхоналарнинг ташкил этилаётганлиги ҳам қувончли ҳолдир. Ҳозирги кунга қадар бир нечта ана шундай қўшма корхоналар рўйхатга олинган. Булар «Тошкентинтерсервис», «Табиат интернейшнл», «Шифокор инсервис», «Тонг Трейдинг», «Сарбон», «Шарқ Юлдузи» ва бошқалардир. Айни пайтда улар ишга тушиб халқимизга зарур бўлган истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришмоқда.

Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Герцогнинг шу йил Ўзбекистонга қилган ташрифи иқтисодий алоқаларнинг янги йўналишларини очиб берди. Ўзбекистон—Германия иқтисодий кўмаклашиш жамияти бугунги кунда савдо-ишлаб чиқариш палатаси Германия бирлашмасининг вакили ҳам ҳисобланади. Бу жамият ҳозирда алоқани ҳар тарафлама ривожлантириб бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Германия нафақат республикамизга маҳсулот сотишга қизиқмоқда, балки улар шу маҳсулотларни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишидан манфаатдордир. Шунинг учун немислар Ўзбекистондаги кичик ва ўрта фирмалар фаолиятига катта эътиборни қаратишмоқда. Бу кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланишида «Мерседес Бенц» каби улкан саноат дарғалари ёрдам бериш қурбига эга.

Икки давлат ўртасида маданий алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. Шу яқин тўрт йил ичида республикамизнинг кўплаб фуқаролари Германияда бўлишди. Булар олим, талаба, актёр ва бошқалардир. Тошкентда немислар ўқиш хонаси ишлаб турибди. Немис тилини чуқур ўргатиш мақсадида пойтахтда Гёте институтининг ваколатхонаси очилиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда республикамиз мустақилликка эришгандан кейин барча давлатлар қатори Германия билан ҳам иқтисодий, маданий алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Германияга кеча бошланган иккинчи расмий ташрифи икки томонлама дўстона алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши аниқ.

Ғафур ЮСУФЖОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ваколатхоналарни, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларини республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда амалдаги қонунчиликни ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Мазкур фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 ноябрь.

*Меҳнат жамоаларида*

## КУНЛАР САРҲИСОБИ

***Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида шаҳримиздаги Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш бирлашмалари қатори Тошкент тажриба-таъмирлаш механика заводининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда бу жамоа аъзолари корхона ташкил топганлигининг 65 йиллигини кенг нишонлаб, ишлаб чиқаришда ва керакли ускуналарни таъмирлаш жараёнида муносиб кўрсаткичларга эришмоқдалар. 1994 йилдан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланиб иш юритаётган жамиятнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида жамият раиси Рашид ОЛИМЖОНОВ қуйидагиларни гапириб берди:***





— 1930 йили Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ машина-тракторлар станцияси ҳиссадорлик жамияти Ўрта Осиё бўлимида «Ўрта Осиётрактормаркази»га қарашли тракторларни жорий таъмирлаш Тошкент устахонаси вужудга келганди.

Ўтган вақт мобайнида қишлоқ хўжалигида таъмирлаш технологиясини мукаммал олиб бора оладиган дастгоҳлар яратилди. «Ўзагромаштаъмир» лойиҳалаш илмий-тадқиқот конструкторлик технология институтининг мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, катта тажрибага эга бўлдик.

Республикамиздаги барча давлат ва жамоа хўжаликларида нодир деталларни таъмирлаш ва улардан ўзлари учун тўлиқ фойдалана олиш имкониятларига эга эканликларига шароитлар яратилди. Яъни махсус дастгоҳлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жуда мураккаб тузилган А-01М двигателини жорий таъмирлаб, ишлаб чиқаришда тўлиқ ундан фойдаланиш жорий этилди. Корхонамизнинг етук матахассислари доимо изланишда бўлиб, янги турдаги маҳсулотлар яратишга ҳам алоҳида эътибор беришмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан биз ҳам иш жараёнига бирмунча ўзгаришлар киритдик. Шу кунгача фаолият кўрсатиб келган Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводи 1994 йилдан бошлаб «Тоштажрибатаъмир» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланиб иш юрита бошлади.

Жамиятимиз қошида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш борасида изланишлар олиб бориб, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар тузилмоқда. Масалан, 1995 йилдан иш бошлаган «Ўзолтойдизельсервис» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси, иситиш аппаратуралари бўлими билан Нагин шаҳридаги мутахассислар ҳамкорлигидаги «Прецизион» қўшма корхонаси, шунингдек Барнаулдаги агрегат заводининг Янгибозор филиали билан эса «Агрегатсервис» қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек жамиятнинг ички тузилмаларини бойитиш мақсадида «Фикр» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси тузилди. Бу фирма тажриба ва асбобсозлик цехларида иш олиб боради. Гидроқадоқлаш цехи қошида «Пресс» фирмаси, қурилиш цехида эса «Таъмир қурилиши» фирмаси ишлаб турибди. Бундан ташқари яна тўртта қўшма корхона очишга тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозирча Словакия, Германия ва Латвия Республикаларидаги фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш учун шартномаларга имзо чекилди.

Умуман олганда ҳар бир кунимиз, ҳар бир йилимиз сарҳисоби кундан-кун бошқачароқ, янгича услубда ишлашга тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб жойларда жамиятимизнинг шохобчаларини оча бошладик. Уларнинг айримлари ўз ишини бошлаб юборди. Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида, Сирдарёда, Жиззахда ва Асакада қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, ишлаб чиқариш борасида жадал иш юритилмоқда.

Ўтган ўн ой давомидаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак 4031 дона двигателларни жорий таъмирлаб 80 миллион 889 минг сўмлик иш бажардик. 115 дона янги мотор йиғилди. 18 миллион 850 минг сўмлик махсус деталлар қайта ишланган бўлса, 3 миллион 34 минг сўмлик деталь ишлаб чиқарилди. 16 миллион 221 минг сўмлик тажриба ишлари амалга оширилди. 30 турдан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари тайёрланди, 13 миллион 478 минг сўмлик қўшимча ишлар бажарилди. Жами шу кунгача қилинган ишлар 125 миллион 307 минг сўмни ташкил этади. Бу 102 фоиз демакдир.

Жамиятимизда ҳозирги кунда меҳнат қилаётганлар сафи тобора ортиб бормоқда. Айни вақтда 850 нафар ишчи-хизматчи ишлаётир. Улар орасида ўттиз, эллик йилдан буён меҳнат қилаётган фахрийларимиз кўпчиликни ташкил этади. Юсупжон Маҳмуджонов 30 йилдан ортиқ, Александр Ротов эса 50 йилдан буён шу жамоада ишлайди. Валентина Ротова, Иван Зиков, Евгений Шмотов, Алексей Ли ва бошқалар жамиятнинг фахрли, меҳнатсевар ишчилари саналишади. Фурсатдан фойдаланиб севимли газетамиз «Тошкент оқшоми» орқали шу жамоада меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётганларни ва шу кунда бор маҳоратларини ишга солиб ишлаётганларнинг барчасини корхонамиз ташкил топганлигининг 65 йиллик юбилейи билан муборакбод этиб, ҳаммаларига сиҳат-саломатлик, оилавий омонлик тилаб қоламан.

Суҳбатни Гулзода МАМБЕТОВА ёзиб олди.

***СУРАТЛАРДА:** механика цехининг моҳир токарларидан (чапдан) Собир Ҳожимирзаев ҳамда Дониёр Отаматовлар навбатдаги буюртманинг лойиҳасини кўздан кечиришмоқда; тайёр маҳсулотлар намунаси.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## ҚИЗИҚАРЛИ МАВЗУЛАРДА

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида йиғилиш ўтказилди. Ўзбек миллий қадриятларини тиклаш қўмитасининг ташаббуси билан бўлиб ўтган ушбу йиғилишда университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, таниқли олимлар иштирок этдилар.

Йиғилишни академик Эркин Юсупов кириш сўзи билан очди. Унда таниқли олимлардан академик Аҳмадали Асқаров «Туркий халқларнинг этногенези ва ривожланиш тарихининг баъзи масалалари», Карим Шониёзов «Ўзбек халқи шаклланишининг этник заминлари», Тельман Хўжаев «Турон—Туркистондаги этник жараёнларнинг этноатропологик муаммолари» мавзуларида маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан ўзбек филологияси факультетининг нутқ маданияти кафедраси мудири, профессор Ёрмат Тожиев ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Олимларнинг маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Зарбуви АЛҚАРОВА.

*Мустақиллик мевалари*

## ЎЗБЕК-ҲИНД МАРКАЗИ

***Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон Республикалари ўртасида ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенг ривожланмоқда. Шаҳримизга куни кеча Ҳиндистон Республикаси фан ва технология департаментининг котиби профессор В. С. Рамамурти бошчилигидаги делегациянинг ташрифи ҳам худди шу мақсадларга бағишланди.***

Кеча Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитасида илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашувчи ўзбек-ҳинд марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Мелкулангара Кумаран Бхадракумар, элчихонанинг иккинчи котиби жаноб Брижиш Кумар, профессор В. С. Рамамурти бошчилигидаги Ҳиндистон делегацияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси раиси П. Қ. Ҳабибуллаев ва бошқалар иштирок этишди.

— Ушбу марказнинг иш бошлаши икки дўст мамлакат ўртасида қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, — деди тадбирни очар экан Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитасининг раиси, академик П. Қ. Ҳабибуллаев. — Бу олға ташланган улкан қадамдир. Биз Ўзбекистонни жуда эъзозлаган йирик давлат арбоблари Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Нарасимха Раоларнинг ҳамкорлик тўғрисидаги ғояларини ривожлантирмоқдамиз, уларни ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз. Ўйлаймизки, келажакда ҳамкорликка кўмаклашувчи марказ республикамизда фан ва техниканинг ривожига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади.

Биз тадбирдан сўнг илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашувчи ўзбек-ҳинд маркази директори, физика-математика фанлари доктори Эркин Аъзамович Зоҳидовни суҳбатга тортдик.

— Ўзбек-ҳинд маркази 1994 йил январда давлатлараро имзоланган шартномага асосан ташкил этилди, — дейди Эркин ака. — Унинг ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам улкан. Аввалambор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, марказни ташкил этиш учун таг-замин аввалдан мавжуд эди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Ҳиндистон фан ва технология департаменти ўртасида ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган бўлиб, унинг асосида ўзбекистонлик мутахассислар Ҳиндистонга, ўз навбатида у ердаги мутахассислар республикамизга тажриба алмашиш учун бориб келишди. Ана шундай истиқболли ҳамкорликнинг меваси ўлароқ янги марказ бунёдга келди. Ҳиндистондан марказ учун офис асбоб-анжомлари мажмуаси юборилган бўлса, биз уни ходимлар билан таъминладик, хоналар ажратдик.

Ҳиндистондаги ҳамфикрларимиз билан ҳамкорликда ўсимликларни муҳофаза қилишнинг биологик услуби ва оғир хасталиклар, жумладан сил касаллигини даволашда лазер технологиясидан фойдаланиш бўйича иккита дастур ишлаб чиқдик. Келгусида ҳаётга тадбиқ этиш учун яна бир нечта дастурлар устида иш олиб борамиз.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон ва ҳиндистонлик мутахассисларни ўзига бирлаштирган ушбу марказнинг келгусида фан-техника соҳаларида энг янги истиқболли дастурларни ишлаб чиқиб икки дўст мамлакат ҳаётига тадбиқ этишга ишончимиз комил.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



***СУРАТДА:** илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашувчи ўзбек-ҳинд марказининг очилиш маросимидан лавҳа.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Қашқадарё вилоятида бу йил ғаллазорлар 24 минг гектарга кенгайиб, 177 минг гектарни ташкил этди. Вилоят деҳқонлари келгуси йили 600 минг тонналик дон хирмонини уйиш ниятидалар.

❑ Тошкентда физика электроникаси бўйича анжуман ниҳоясига етди. Унда республикамиз олимлари билан бир қаторда Россия, Украина ва Қозоғистон мутахассислари ҳам иштирок этдилар.

❑ Республика ўрта махсус санъат мактаб-интернати 8-синф ўқувчиси Азамат Турдиқулов Ҳиндистонда ўтказилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги болалар расмлари халқаро танловининг ғолиби бўлди. Унга келгуси йил бошида «Шанкар-1995» олтин нишони топширилади.

❑ Валюта биржасида кеча бўлиб ўтган савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 34 сўм 80 тийин миқдорида қайд этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Парижга ЮНЕСКО анжуманига кетаётган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кеча Москвада қисқа вақт бўлиб, Марказий клиника касалхонасида даволанаётган Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

❑ 5 ноябрь куни бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиққан Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг лавозимини тантанали эгаллаш маросими 26 ноябрда бўлиб ўтади.

❑ Украина ва Россия ички ишлар вазирлари Юрий Кравченко билан Анатолий Куликов Москвада жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш юзасидан қатор ҳужжатларни имзоладилар.

❑ Собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачевнинг Мюссер қўрғони атрофидаги 400 гектар ерни эгаллаган дам олиш мажмуаси ундан фойдаланиш учун маблағ етишмаслиги сабабли Абхазияга берилди. Абхазия раҳбарияти бу жойда дам олишни Россия Президентига таклиф этиш ниятида эканлигини билдирди.

❑ Бугун Беларусь радиосининг 70 йиллиги нишонланмоқда. Бу сана билан боғлиқ тантаналарда мамлакат Президенти Александр Лукашенко ҳам иштирок этяпти.

❑ Сочида бўлиб ўтган сейсмик хавфсизлик масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда Шимолий Кавказда 9 балл куч билан ер силкиниши мумкинлиги айтилди.

### ХОРИЖДА

❑ АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Африка Республикаси Нигериянинг ҳарбий маъмурлари муҳолифатчи 9 кишини қатл этганликлари муносабати билан бу мамлакатдаги ўз элчиларини чақириб олдилар.

❑ Берлинда собиқ Германия Бирлашган Социалистик партияси марказий қўмитаси сиёсий бюросининг собиқ 6 аъзоси устидан суд бошланди. Улар фуқароларнинг Шарқий Германиядан Ғарбий Германияга қочиб ўтишларида кўплаб ҳалок бўлганликларида айбланмоқдалар. Жуда катта шов-шувга айланиши кутилаётган ушбу суд жараёни анча узоққа чўзилиши мумкин. Суд бошланиши билан 3 дақиқа ўтгандаёқ, коммунистлар етакчиларининг адвокатлар суд ҳайъати холис эмас, деган талаб билан мажлисни бир ҳафтага кечиктиришга эришдилар.

❑ Тель-Авивда Исроил лейбористлар партияси марказий қўмитаси мажлисида ҳозир мамлакат Бош вазири вазифасини бажараётган Шимон Перес ушбу партия етакчиси этиб сайланди.

❑ Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиб, Исроил Бош вазири отиб ўлдирилгандан сўнг минтақада тинчлик жараёнларини давом эттириш истиқболлари юзасидан музокаралар ўтказди.

❑ Нигерия миллий авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737» самолётининг Кадун шаҳри яқинида фалокатга учраши оқибатида 77 киши ҳалок бўлди.

❑ Туркия мутахассислари Европанинг «Ариан» ракетаси ёрдамида мамлакатнинг учинчи алоқа сунъий йўлдошини парвозга тайёрламоқдалар. Йўлдошдаги 5 канал АҚШ СИ-эн-эн телекомпаниясига эшиттиришларини Марказий Осиёга узатиш учун ижарага берилиши кутиляпти.

*Обуна — 96*

## БЎЛАЖАК ҲАМШИРАЛАР ҲАМ

Шайхонтоҳур туманида кўплаб олий ва махсус ўрта ўқув муассасалари жойлашган. Айни пайтда бу муассасаларда барча матбуот нашрлари билан бир қаторда «Тошкент оқшоми»га ҳам обуна кетмоқда. Масалан, яқинда туман ҳудудида жойлашган Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти мутасадди раҳбарлари «Тошкент оқшоми» газетасига иккита обунани расмийлаштиришди.

— Биз «Тошкент оқшоми» газетасига ҳар йили пул ўтказиш йўли билан ёзиламиз, — дейди билим юрти директори Турсуной Умарова. — Чунки бу газетани ўқитувчиларимиз ҳамда талабаларимиз жуда қизиқиб ўқишади. Унда корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятидан тортиб, республикамиз ҳамда дунёда бўлаётган янгиликлар, спорт хабарларигача ёритилади. Бизга айниқса газетада бериб борилаётган «Сиҳат-саломатлик» саҳифаси жуда ёқади. Саҳифада ёритилаётган тиббиёт муассасалари фаолияти, шифокор маслаҳатлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Энди истакларимизга келсак, кейинги йилда ҳам «Тошкент оқшоми» газетаси қизиқарли мақолаларни чоп этади, деган умиддамиз.

Ғайрат ЮНУСОВ.

## МУМТОЗ АСАРЛАР ЯНГРАДИ

Бугун «Баҳор» концерт залида халқаро танловлар дипломанти Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек академик халқ чолғу асбоблари оркестрининг янги концерт дастурининг намойиши бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг доценти Фаррух Содиқов дирижёрлигида жаҳон санъатининг мумтоз намояндалари ' Моцарт, Бетховен, Россини, Верди, Чайковский ҳамда Т. Жалилов, М. Ашрафий, С. Жалил, Т. Қурбонов каби ўзбек бастакорларининг энг сара асарлари янгради. Залга йиғилганлар оркестр дастурини мароқ билан тингладилар.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.

*Спорт*

## ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Шаҳримиздаги 8-болалар ва ўсмирларнинг спорт мактабида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий А. Васильев хотирасига бағишланган бокс бўйича мусобақалар якунланди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳримиздаги спорт мактабларида таълим олувчи ўсмирлар иштирок этишди. 42 килограммдан 85 килограммгача бўлган 16 та вазн тоифаларида ўтказилган баҳсларда жами 167 нафар ёш чарм қўлқоп устаси ўзаро беллашди.

Б. Хидиров, А. Пяк, К. Маҳкамов, Ш. Шомуродов, Х. Собитов, Ю. Есимбетов, А. Мамедов, Р. Худойназаров, А. Комаров, А. Асланов, О. Фаражиев, Д. Ҳусанов, Э. Музаффаров, С. Шкандибин, Н. Фундукчиев, С. Ҳидоятовлар ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқиб, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Дамир ИСЛОМОВ.

***18-модда. «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.***

***Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».***

Ўзбекистон Конституциясининг II бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланади ва V—XI бобларни ўз ичига олади V боб эса 18, 19, 20-моддалардан иборат бўлиб, уларда ушбу бўлимга оид «Умумий қоидалар» белгиланган.

Конституциямиз фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатлари асосларини эълон қилади, мустаҳкамлайди ва кафолатлайди. Бунда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдиради ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа меъёрларидан келиб чиқади.

Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати деганда унинг жамиятдаги ҳуқуқий мавқеи — жамият ва давлат олдидаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, давлат ишларини ҳал этишда иштирок этишнинг юридик имкониятлари, ўз манфаатларини ҳимоя қилиши ва сақлаб қолиши тушунилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари — бу ҳар бир фуқаро эга бўлган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлардан иборат бўлиб, бу имкониятларни давлат тан олади ва улар Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинадиган бошқа қонунларда мустаҳкамланади. Бурч — жамиятнинг давлатга ва фуқарога бўлган талаби. У ижтимоий заруриятдан келиб чиқиб, халқнинг умумий манфаатларига хизмат қилади.

Конституция фуқароларнинг фақат энг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради. Улар жорий қонунларда аниқлаштирилади, ривожлантирилади ва моҳият жиҳатидан тўлдирилади. Чунончи, 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидаларни белгилаб беради. Худди шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 1992 йил 13 январда қабул қилинган Қонун эса инсоннинг ишли бўлиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгилаб беради ва ҳоказо.

Конституциямизнинг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги эътироф этилган. Бунга кўра фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Кўриниб турганидек, бу ерда аввало фуқароларни жинсига қараб ажратиш мумкин эмаслиги уқтирилади. Конституциямизнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шундаки, унда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги махсус тарзда мустаҳкамланган (46-модда). Хотин-қизлар билим олишда, касб-ҳунар ўрганишда, меҳнат учун ҳақ олишда, ишда юқори лавозимларга кўтарилишда ва шу каби ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Қонунларни бузганлик учун ҳам хотин-қизлар эркаклар билан тенг даражада жавобгардирлар.

Ушбу моддада белгиланган миллий ва ирқий тенглик принципи миллий ёки ирқий мансубликка қараб ҳеч қандай имтиёзлар ёки чеклашлар бўлиши мумкин эмаслигини англатади. Ўзбекистонда ҳар қандай ирқий ёки миллий алоҳидаликни, душманликни ёки менсимасликни тарғиб қилиш қонун бўйича қатъиян тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаёқ қабул қилинган Баёнотида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқади». Бу ҳолатлар Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларнинг ҳар томонлама сиёсий ўсиши ва яқинлашишини таъминлайди, улар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва тотувликни мустаҳкамлайди.

Юқоридагилар билан бирга, Конституция фуқароларга қайси тилда сўзлашишларига қараб алоҳида имтиёзлар бермайди ёки таъқиқлар ўрнатмайди. Қонунларимизга кўра, мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакилларига ўз она тилларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти таъминланган.

Ўзбекистон Конституцияси фуқароларга хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини бериш билан бирга, уларнинг динга муносабатига қараб алоҳида мавқега қўйилмаслигини ҳам белгилайди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида ҳам Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (4-модда) дейилган. Бунга кўра, фуқаронинг динга муносабати расмий ҳужжатларда кўрсатилиши мумкин эмас, фуқаронинг ўзи шуни истаган ҳол бундан мустаснодир.

Конституциямизнинг 18-моддаси мазмунан яна шуни белгилайдики, бунга биноан, фуқаронинг ижтимоий келиб чиқишига кўра қайси авлодга, қандай табақага мансублигини аниқлаб, унга алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлар берилмайди. Фуқаронинг авлоди ўтмишда ким бўлган, ҳозир эса ким бўлмасин бундан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир ва қонун олдида тенгдир.

Мазкур модда фуқаронинг эътиқоди бўйича ҳам қонун олдида тенглигини назарда тутади. Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Қандай мафкурага эга бўлишни ёки бирор динга эътиқод қилиш-қилмасликни фуқаронинг ўзи танлайди ва бунинг учун қонун алоҳида имтиёзлар бермайди ёки чеклашлар ўрнатмайди. Фуқаро эътиқоди бўйича ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Конституцияга биноан, фуқаро шахси ва ижтимоий мавқеига кўра ҳам қонунни четлаб ўта олмайди. Ҳамма қонун олдида баб-баравар масъулиятга эгадир. Ҳатто жиноят содир этган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 5-моддасига биноан, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Конституциямизнинг 18-моддаси иккинчи қисмида шу нарса алоҳида кўрсатиладики, бунга кўра, фуқаролар фақат қонунда кўрсатилган баъзи ҳолларда маълум имтиёзларга эга бўлиши мумкин. Бундай имтиёзлар албатта ижтимоий адолат принципига мос бўлиши шарт. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Қонунда ногиронларга бериладиган алоҳида имтиёзлар ҳақида меъёрлар белгиланган. Худди шунингдек, Конституциямизнинг ўзида ҳам фуқароларнинг баъзиларига айрим имтиёзлар назарда тутилган. Масалан, 88-моддага кўра, Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Бу қоидалар ижтимоий адолат тамойилларига тўла мос тушади.

Шундай қилиб, Конституциянинг 18-моддаси фуқароларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигини ўрнатади ва тегишли қонунлар орқали кафолатлайди.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда*




## ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГМИЗ

---

***Айтайлик, йўлда машинангиз бузилиб қолди. Нима қиласиз? Албатта техник хизмат кўрсатиш шохобчасига борасиз. Агарда бу шохобча узоқда жойлашган бўлсачи? Унда ноиложсиз.***

*Тадбиркорга омад ёр*

# «ТОШКЕНТ-ЛАДА» ҚАЙТА ОЁҚҚА ТУРМОҚДА

Ҳақиқатан ҳам яқиндагина йўлдаги бундай ҳолат ҳайдовчи учун қўшимча ноқулайликлар туғдириши турган гап эди. Лекин «Тошкент-Лада» ҳиссадорлик жамиятининг ишчи ва хизматчилари бунинг йўлини топишди. Бунинг учун машинангизнинг носозлиги ҳақида «АвтоВАЗ» техник хизмат кўрсатиш жойларига телефон қилсангиз бас. Улар ўн беш-йигирма дақиқада етиб келиб техник хизмат кўрсатиб кетишади. Машинани тузатиш иложи бўлмаган тақдирда уни техник хизмат кўрсатиш шохобчасига махсус машина ёрдамида олиб боришади. Бу янги хизмат кўрсатиш тури тез орада оммалашиб кетди. Ҳар куни марказлашган бошқарув пунктига ўнлаб қўнғироқлар бўлиб турибди.

Ҳиссадорлик жамияти нафақат юқоридаги хизматни кўрсатади. Бу жамият улкан ишлаб чиқариш корхонаси бўлгани учун енгил автомобилларни тўла таъмирдан чиқариб бериш имкониятига эга. Корхонанинг пойтахтдан ташқари республикада ўттизта шохобчаси мавжуд.

Ўтган йили «Тошкент — Лада» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганига йигирма йил бўлди. Бу муддат кам эмас. Шунинг учун шу вақт ичида собиқ Иттифоқ корхоналари билан ишончли алоқа ўрнатилган эди. Бу эса ўз навбатида корхонанинг барқарор ишлашини таъминлади. Лекин тахминан 1991 йилдан бошлаб «АвтоВАЗ» шохобчаларида иш ҳажми камая бошлади. Эҳтиёт қисмлар етишмаслик масаласи кескин тус олди. Бундан ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари билан бир қаторда шахсий ҳамда давлатга қарашли «Жигули» эгалари зиён кўрди. Нимага деганда фақат пойтахт ва вилоятда бу машиналар сони 150 мингтани ташкил этади.

Бироқ ҳиссадорлик жамияти ишчи ва хизматчилари эҳтиёт қисмлар йўқ, деб қўл қовуштириб ўтирмади. Улар охирги вақтларда бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини қидиришмоқда. Автотаъмирловчилар хом ашё топиш учун маҳсулот алмашишни йўлга қўйишди. Ҳозирги кунда бундай муносабатлар «Новатор» Тошкент фирмаси, «Қумкор» Қозоғистон техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, Винница корхонаси ҳамда Балаковск резина-техника маҳсулотлари заводи билан ўрнатилган. Баъзи бир эҳтиёт қисмларни ўзларида тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчиларни иш билан таъминлаш билан бир қаторда корхонага фойда ҳам келтирмоқда. Аммо юқоридаги ишлар корхонада эҳтиёт қисмлар захирасини яратишда асосий муаммони ечолгани йўқ.

— Биздаги бу эҳтиёжни республикамиз ҳукумати ҳамда Волжск автокорхонаси раҳбарлари тушунган ҳолда ишчиларга хайрихоҳлик қилишди,— дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Саид Аъзамов.— Шу сабабли ҳозир корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқага ўтиб эҳтиёт қисмлар захирасини яратиш имконияти яратилди. Биз бундан фойдаланиб эҳтиёт қисмларни нафақат ўзимизга, балки вилоятларга ҳам сотиб олмоқчимиз. Шунда бизга ҳам, уларга ҳам яхши бўлади. Бундан ташқари вилоятларда жойлашган техник хизмат кўрсатиш марказлари бозорида эҳтиёт қисмлар нархи ошиб бораётган бир даврда уларни арзон нархларда сотиб олишади.

Ҳозир республикамизда 500 мингдан ортиқ «Жигули» бор. Шулардан тахминан 18 мингги давлат ташкилоти ва муассасаларига қарашли. Ўз навбатида бу машиналарни таъмирлашни тақозо қилади. Шунинг учун эҳтиёт қисмлар омборини яратиш, уларни хом ашё билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари бу ҳиссадорлик жамиятининг тўла куч билан ишлаши имконини беради. Машиналарни таъмирлаш билан шахсий шуғулланаётганлар эса жамият билан рақобатлашиб, хизматнинг сифатини ошириб, баҳосини камайтиришга мажбур бўлишади.

Жамият чет эл фирмалари билан ҳам фаол алоқани йўлга қўйган. Туркиянинг «Газекол Гообусак» фирмаси ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтирсак бўлади. Улар корхонага мой, ғилдирак резинаси, эҳтиёт қисмлар етказиб беришади.

Ундан кейин «Тошкент—Лада», «Шарқ юлдузи» қўшма корхонасининг таъсисчиларидан ҳисобланади. Айни пайтда бу корхона «Мерседес-Бенц» фирмаси автомобилларини сотиш ва таъмирлаш билан шуғулланмоқда.

Республикамизда «ДЭУ» автомобилларининг кўпайиши муносабати билан автотаъмирловчиларда янги муаммо пайдо бўлди. Шу сабабли корхонага қарашли 3 та шохобчани ана шу машиналарни таъмирлаш учун ихтисослаштиришга аҳд қилинди.

— Бунинг учун учта техник хизмат кўрсатиш шохобчасини танлаб олдик,— дея гапини давом эттирди Саид Аъзамов.— Бу шохобчаларни «ДЭУ» автомобиль компанияси машиналарига мослаштиришни бошладик. Ҳозир Корея Республикаси мутахассислари билан қўшма корхона бунёд этиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Дарвоқе, улар шохобчаларни кўриб чиқиб, ана шу техник хизмат кўрсатиш марказларини танлаганимизни қўллаб-қувватлашди. Ўйлаймизки, «Ўзавтосаноат» уюшмаси ёрдамида бу масала тез кунларда ҳал бўлади.

Қийинчиликларга қарамай автомарказда ҳозирги кунда бу ишга содиқ одамлар қолди. Н. Холматов, Ж. Илёсов, В. Запрудский ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси корхона ташкил бўлгандан бошлаб ишлаб келишади ва юқори даражали мутахассислардир. Юқоридаги ишчи ва хизматчилар корхона учун ҳамма ишларни қилардилар. Ўз навбатида ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳам ўз меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаш учун ҳаракат қилади. Ойлик маошдан ташқари автотаъмирловчилар ҳар уч ойда акциядан тушган дивидентларини оладилар. Кўп йиллар ишлаган ишчилар учун рағбатлантирувчи тўловлар жорий қилинган. Корхона меҳнаткашларининг фарзандлари 90 фоизли камайтирилган нарх билан соғлиқни сақлаш масканларида дам оладилар. Ҳозирги кунда ҳиссадорлик жамияти Чимёнда дам олиш масканини қуриш учун жой изламоқда.

Хуллас, «Тошкент—Лада» айни пайтда бозор иқтисодиёти чиғириғидан ўтиб, қайтадан оёққа турмоқда. Бу корхона яқин орада тўла қувват билан ишлаб, бизнинг ёш давлатимизга кўп фойда келтиради, демакдир.

Ғулом ЮСУПОВ.

---

## СИФАТЛИ ПОЙАБЗАЛЛАР

Ҳозир қайси дўконга кирманг, чет элда чиқарилган кийим ва пойабзалларнинг бисёрлигига гувоҳ бўласиз. Бу — тижоратчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Аммо ўзимизнинг маҳаллий пойабзал фабрикаларининг ишлари қандай бўляпти?

— Бир маромда ишлаяпмиз, режалар бажарилиб ойига 12 миллион сўмлик маҳсулот чиқаряпмиз, — дейди 1-пойабзал фабрикасининг директори Тўлқин Олимжонов. — Икки йил аввал биз четдан оладиган хом ашёларнинг келиши камайиб, бироз қийинчиликлар туғилган эди. Мана, бир йилдан буён тўлиқ маҳаллий хом ашё асосида ишлаяпмиз. Маҳсулот чиқариш ҳажмини қайта тиклаб, бироз оширишга ҳам эришдик. Ишлар бир маромга тушиб олгач, энди навбатдаги муҳим вазифа — сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга асосий эътиборни қаратганмиз. Натижа шуки, маҳсулотларимиз пештахталарда туриб қолмаяпти. Айни вақтда қишки, махсус иш пойабзаллари, этиклар чиқариляпти, турли идораларнинг буюртмалари ўз вақтида бажариляпти. Бир неча чет эл фирмалари бизнинг фабрикамиз билан қўшма корхона тузиш истагини билдирдилар.

Бобур ХАЛИЛОВ.

## МАХСУС МАСКАНГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 321-болалар боғчаси махсус соғломлаштириш масканига айлантирилди.

— 130 тарбияланувчига мўлжалланган боғчамиз соғломлаштиришга йўналтирилганлигининг боиси у кўкаламзорлаштирилган, бино ҳам даволаш талаблари даражасига жавоб беради, — дейди бош тарбиячи Наима Турсунова. — Махсус боғчага даволаниши керак бўлган боғча ёшидаги болажонлар тиббий кўрикдан ўтгач қабул қилинади. Улар қисқа вақт ичида шифо топиб кетсалар бошқа боғчаларга ўтказилади. Агар даволаш жараёни чўзилиб, бола мактаб ёшига етса унда у мактабга касаллик варақаси билан кузатилади ва соғломлаштириш шунда ҳам давом эттирилади.

Ушбу махсус масканда ҳам умумий боғча дастурлари асосида фаолият юритилади. Асосий эътибор барибир боланинг даволанишига қаратилади. Бу ерда болалардаги сурункали касалликларни гиёҳлар, жисмоний тарбия ёрдамида, замонавий тиббий усулларда даволаш кўзда тутилган. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 412-боғча ҳам махсус соғломлаштириш масканига айлантирилди.

Мамлакат САЪДИЕВА.

---



***«Юлдуз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида тикиб чиқарилаётган костюм-шимларнинг довруғи жаҳонга танилмоқда. Шунингдек бу ерда эркакларга мос плашлар ҳамда курткалар ҳам тикиб чиқариш йўлга қўйилаётир. Чапдаги суратда шу жамоанинг тайёр маҳсулотларини кўздан кечираётган Светлана Имарова ҳамда Мушаррам Турсуновалар акс эттирилган. Ўнгдаги суратда эса «Эктоас» кичик корхонасининг моҳир дурадгори Дмитрий Пилипенко тасвирга олинган. У бу ерда эшик, ойна ромлари ва бошқа кичик-кичик керакли анжомларни тезкорлик билан тайёрлаб беради.***

***Рустам Шарипов олган суратлар.***



---

***Кейинги пайтда тошкентликлар пойтахт аҳолисига жамоат транспорти хизмати кўрсатиш борасида сезиларли ижобий қадамлар қўйилаётганлигининг яққол гувоҳи бўлиб туришибди. Чет элларда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари ўзининг қулайлилиги билан ҳамшаҳарларимизга манзур бўлиб уларнинг узоғини яқин қилмоқда. Лекин йўловчилар транспортдан фойдалангандаги ўз бурчларини, яъни кира ҳақи тўлашнинг уддасидан чиқишяптими? Шуни афсус билан айтиш керакки, кўпчилик йўловчилар йўл кира ҳақини тўламасликка, турли хил қалбаки ҳужжатларни рўкач қилишга ўрганиб қолишяпти. «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 31 июль сонида босилган «Уч сўмлик жанжал» сарлавҳали танқидий мақолада ҳам ана шу хусусда сўз юритилган эди. Бугун биз яна илгариги мавзуга қайтишга қарор қилдик. Бунинг боисини қуйидаги далиллардан билиб олишингиз мумкин.***

*Илгариги мавзуга қайтиб*

# ПАРИШОНХОТИРЛИК ЭМИШ

### ёки кира ҳақини тўламаган йўловчилар



...Хадра бекатига келиб тўхтаган трамвайдан ўрта ёшлардаги киши тушди.

— Чиптангизни кўрсатсангиз.

У бизга чимирилиб қарадию сайрай кетди:

— Чипта текширгандан кўра транспорт қатновини йўлга солиб қўйларинг. Чипта олмадим, нима қилардиларинг.

— Жарима тўлайсиз бўлмаса.

— Кимсан ўзларинг. Олдин ҳужжатларингни кўрсатларинг.

Хуллас иш жанжалга айланди. Орага йўловчилар аралашди. Қарангки, суҳбатдошимиз устаси фаранглардан чиқиб қолди. Биз бошқалар билан мунозара қилаётганимизда у жуфтакни ростлаб қолибди.

Одатда «Ишчилар шаҳарчаси» бекатига келиб тўхтаган трамвай деярли бўм-бўш бўлади. Салондаги 3—4 йўловчидан иккитаси орқа эшик очилиши билан ўзини ўша томонга урди.

— Йигитлар, чипта олмадиларинг-ку, — ҳайдовчи эътироз билдирди уларга.

— Биз талабалармиз. Чипта олишга пулимиз йўқ.

Афсуски, бу йигитлар талаба эмас, балки қурувчилар экан. Бунинг устига улар ўша куни маош олишибди, қиттак-қиттак қилишибди. Ароққа пулни аяшмаптию, лекин жамоат транспорти учун тўланадиган 3 сўм уларга оғирлик қилибди. Йигитлар ҳар қанча тихирлик қилишмасин бу сафар жарима тўлашга мажбур бўлишди.

«Чорсу» бозори бекати ҳамиша гавжум. Барча транспортларнинг юки шу бекатда «оғирлашади». Ҳатто ҳайдовчилар йўловчилар кўплигидан машина эшикларини беркитолмай хуноб бўлишади. Бекатга келиб тўхтаган 4-троллейбусдан йигирма чоғли одам тушди. Уларнинг барчасини тўхтатиб чиптаси текширилганда ушбу йўловчиларнинг тенг ярми йўл кира ҳақи тўламаганликлари билиниб қолди. Уларнинг жавоблари ҳар хил.

— Чипта олишни унутибман.

— Паришонхотирлик қурсин.

Лекин улар орасидан башанг кийинган бир аёлнинг муомаласи дилимизни хира қилди.

— 3 сўмга ўлиб қолсаларинг, ма олларинг, садақаларингни...

Шу ўринда яна бир муаммо хусусида тўхталсак. Бу — транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар масаласи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июндаги 289-сонли қарорига биноан вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, корхоналар, ташкилотларда мулкчилик шаклидан қатъий назар текин ва имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар тайёрлаш ва уларни тарқатиш қатъиян ман қилинишига қарамай кўпчилик идоралар бунга риоя қилмаяпти. Шу ўринда шаҳар йўловчилар ташиш транспортидан бепул фойдаланувчиларнинг айрим «ҳужжат»ларига назар ташлайлик.

Чилонзор тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитаси йўриқчиси Илҳом Қурбонбоев автобусдан гувоҳномасини кўрсатиб тушди. Унинг орқасидан тушган йўловчилар Илҳомнинг қўлидаги кўк рангли ҳужжатга қарашади. Ушбу гувоҳномани синчиклаб қарасак, бу ёрликдаги транспортда бепул юриш мумкин, деган мазмундаги ёзув остига туман қўмита котиби имзо чеккан экан.

4-автокорхона раҳбарларининг тутган йўли ҳам Чилонзор тумани Ёшлар Иттифоқидан деярли фарқ қилмайди. Биргина тавофут шундаки, юқоридаги ҳужжат оддий машинкада ёзилган, кейингиси эса босмахонада чоп этилган холос. Қарангки, автокорхона раҳбарияти оддий ходимларидан тортиб ҳатто масъул лавозимларда ишлайдиган хизматчиларгача мана шунақа гувоҳномани тарқатибди. Шунинг учун бўлса керак корхона лаборанти Л. Лешева назоратчиларни оғзини тўлдириб ҳақоратлай кетди. Қўлидаги ҳужжатни улар бетига улоқтириб агар керак бўлса бунақанги гувоҳномадан юзтасини ёздириб олишини айтди.

Ҳарбий хизматчи капитан Олег Измайлов ва унинг рафиқаси Анна Сергеевна йўл кира ҳақини охирги марта қачон тўлашганлигини ҳам билишмайди. Улар 196, 197-сонли шахсий гувоҳномаларини автобус чиптасига айлантириб олишган экан.

Марат Кадреев, Вячеслав Слепнев, Сергей Хелгурович, Алишер Шабанов, Вячеслав Прохоров, Андрей Ликов, Сергей Пошковлар эса муқобил хизмат гувоҳномасидан транспортда бепул фойдаланиб юришибди.

14-автотаъмирлаш заводи таъминотчиси А. Сулаймонов, чилангар В. Козин ҳам чипта олишни унутиб қўядиган паришонхотирлардан экан. Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси мутахассиси А. Дадамуҳамедов, «Ўзташқитранс» бирлашмаси мутахассиси О. Мусаев ҳам ана шундайлар тоифасидан. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси «Динамо» жамияти вилоят кенгаши хизматчиси Н. Соколова, «Пахтакор» республика ташкилоти ҳайдовчиси С. Садибеков, «Ўрта Осиё нефтгаз қурилиш» экспедитори С. Яковлева ҳам ўзига хос гувоҳнома ясаб олишибди. Масалан, на мансаби, на иш жойи ёзилмаган қизил муқовали гувоҳнома эгаси Абдунаби Ҳасановнинг айтишича у Тошкент вилояти ижтимоий-таъминот бошқармасининг мансабдор шахсларидан бири эмиш. Қўлидаги гувоҳнома унга хизмат қиладиган машина ўрнига вақтинча шаҳар транспортидан бепул фойдаланиб юриш учун берилган эмиш. Ўзбекистон темир йўллари компаниясига қарашли «Довон» жамоа мулки корхонаси ҳайдовчиси Георгий Боку эса жарима тўлаш ҳақида оғзимизни очирмай ўзининг 000220 сонли гувоҳномасини қўлимизда қолдириб кетди. Шу куни Тошкент вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти нозирлари Қ. Узоқов, Р. Жамиловлар ҳам алмисоқдан қолган ўтмас гувоҳномаларни бизга рўкач қилишди...

***Хуллас, биз ўтказилган текширув чоғида юқорида келтириб ўтилган далилларнинг гувоҳи бўлдик. Жамоат транспорти ўз номи билан кўпчиликка хизмат кўрсатадиган транспорт воситаси. Шундай экан, унинг хизматидан фойдаланадиган ҳар бир йўловчи кира ҳақи тўлашни унутмаслиги, турли-туман сохта ҳужжатларни рўкач қилмаслиги керак. Чунки дунёда инсоф ва диёнат деган тушунчалар ҳам бор-ку, ахир!***

Нормуҳаммад МИРЗО,
Усмон МУҲАМЕДОВ,
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,

*СУРАТДА: йўловчилардан тортиб олинган, транспортда бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган сохта гувоҳномалар.*

*М. Маҳмутов олган сурат.*

---



***5-нон корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги мазали ва сифатли нонларни кўплаб ҳамшаҳарларимиз севиб харид қилишади. Айниқса бу ерда тайёрланаётган патир ноннинг мазалилиги кўпчилик таҳсинига сазовор бўлаётир.***

***СУРАТДА: корхона директори Зуҳриддин Эрматов ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Мубошир Шоҳўжаев ҳамда бош лаборант Мая Асманова билан нонларнинг сифатини мана шундай кузатиб туради.***

***Козим Ўлмасов олган сурат.***

# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

«Ҳар қандай дардни даволашдан кўра унинг олдини олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар осонроқ кечади», деган ақида халқ орасида қадимдан маълум. Ана шундай оғир дардлардан бири — бош мия қон томирларида қон айланишининг ўткир ва сурункали бузилишидир. Маълумки, ҳозирги пайтда юрак-қон томир касалликлари (жумладан бош мия қон томири) ўлимга сабабчи бўлувчи дардлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бу хасталик кўпроқ Япония, Англия, Норвегия, Франция давлатларида қайд қилинса, Канада, Гренландия кабн мамлакатларда эса бирмунча камроқ учраши аниқланган. Ўзбекистонда мия қон томири касалликлари 50 ёшгача бўлган эркакларда тез-тез рўй бериши ҳисобга олинган. Олимларнинг илмий-текшириш натижаларига кўра 50 ёшдан сўнг ҳар иккинчи эркак кишида мияда қон айланиши танқислигининг дастлабки белгилари намоён бўла бошлайди. Тошкент шаҳрида инсульт (мияга қон қуйилиши) касалига кўп учраш ҳоллари асосан қиш-баҳор фаслига (январь-апрель), камайиши эса ёз-куз фаслига тўғри келар экан.

## Шифокор маслаҳати

## ИНСУЛЬТДАН САҚЛАНИШ МУМКИНМИ?

Инсультнинг энг кўзга кўринган сабаблари — қон босими (гипертония) ва атеросклероз ҳамда уларнинг биргаликда намоён бўлишидир. Олтмиш ёшдан ошган кишиларда кейинги ҳар ўн йилликда инсультнинг рўй бериш эҳтимоли деярли уч баробарга ортиши мумкин. Агарда умумий камҳаракатлик ва семизлик касалликнинг сурункали кечишига мойиллик туғдирса, тез-тез ва узоқ муддат давом этадиган руҳий толиқиш, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш, чекиш ва юрак-қон томир касалликларидан оғирлашган ирсият инсультга олиб келади. Юқоридаги хавфли омилларнинг тўртта ва ундан ортиғи қўшилиб келганда эса ўткир ҳолдаги инсультнинг юзага келиш эҳтимоли янада юқори.

Хўш, бундай оғир касалликдан сақланишнинг иложи борми? Бу саволга юз фоиз ижобий жавоб қилиш мушкул бўлса-да, ҳар ҳолда инсульт рўй берганда ҳам муайян чоралар орқали унинг енгил кечишига эришиш мумкин. Америкадаги нуфузли «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, юрак-қон томир касалликларини кескин камайтиришда энг асосийси учта омилга эътиборни қаратиш лозим, яъни қон босимини мунтазам ўлчаб, кузатиб бориш, чекишдан воз кечиш ва ниҳоят қондаги ёғ моддаси бўлган холестерин миқдорининг ошиб кетмаслигини текширтириб туриш керак. Лозим бўлган ҳолларда эса махсус овқат таркиби орқали холестерин миқдорини бир меъёрга келтириш тавсия этилади.

Инсультнинг олдини олишда шу касалликни келтириб чиқарувчи хавфли омилларни бартараф этиш, асаб ва юрак-қон томир, ички аъзолар ва эндокрин тизимларининг фаолиятини мустаҳкамлаш, миядаги қон айланишини мўътадиллаштириш кўзда тутилади. Аввало беморнинг руҳиятини кўтариш, унинг фикр-хаёлларини бошқа мавзуларга чалғитиш, ўз касалига хотиржам ёндошиш ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга босиқлик, ақл-заковат билан муносабатда бўлишликка ўргатиш лозим. Бундай беморлар имкони борича ҳаётдан завқ олиб, ҳар бир нарсадан ижобий ҳис-туйғу ва қувонч олишга ўрганишлари керак. Ўзи ёқтирган қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ҳамкасблари, ёру биродарлари билан тез-тез суҳбатда бўлиш, хушбўй атиргул ёки райҳонни қўлдан қўймаслик, кайфиятни яхшиловчи санъат даргоҳларига ташриф буюриб туриш, ажойиб журнал ва китобларни варақлаш, гоҳида эса оилавий ёки бир неча киши бўлиб қабристонни зиёрат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ванна ёки душ қабул қилганда эса 20-30 дақиқадан ортиқ ювинмаслик керак. Жисмоний даволаш машқлари эса шифокор билан бамаслаҳат ҳар бир бемор учун ўзига хос кўринишда ва мураккабликда доимий равишда олиб борилиши даркор.

Инсульт рўй бериш хавфи бўлган беморларнинг бир кеча-кундуздаги овқат меъёрининг тўйимлилиги 2000-2400 каллориягача камайтирилади. Агарда бемор озғин бўлса бу рақамни 2700 каллорияда қолдирган маъқул. Бемор истеъмол қиладиган овқатлардаги холестерин ва тўйинган мол ёғи, енгил ҳазм бўладиган углеводлар миқдори чекланиши лозим. Мия қон томири касалликларида беморлар шошмасдан, оз-оз миқдорда бир кеча-кундузда 5-6 марта тайинли вақтда овқатланишлари зарур. Овқат билан бирон-бир мева-сабзавотлардан тановул қилиш керакки, бу нарса ич қотишининг олдини олади. Тамаки чекиш, спиртли ичимликлар, иссиқ кофе, какао, чой ичишдан сақланиш айни муддаодир.

Кундалик овқатга солинадиган туз миқдори 4-8 граммгача, турли хил суюқликлар эса 1-1,2 литргача камайтирилади. Таркибида калий тузлари сероб бўлган картошка, карам, сабзи, ҳўл мевалар (ўрик, туршак) ва уларнинг шарбатлари, укроп, петрушка илдизлари овқат таркибига киритилади. Шифокор тавсиясига биноан бериладиган дори-дармонлар асосан юрак-қон томир тизими ишини, мияда қон айланиш ва мия ҳужайраларидаги модда алмашинувини яхшилашга қаратилган бўлади. Демак, мия қон томири касалликларини ва жумладан инсультнинг олдини олиш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ бўлиб, бебаҳо саломатликни қадрлаш ва шунга яраша саъй-ҳаракатларни мунтазам бажариш тақозо этилар экан.

Шокир ҚОСИМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

## Нишондорларимиз

## ҲАЁТ МАЗМУНИ

Кишининг ўз касбига бўлган фидойилиги қай даражада эканини нима билан ўлчанади? Ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирганлиги биланми? Ёки бир касбда кўп йиллар ишлаб қўйгани биланми? Бу саволларга жавоб топмоқчи бўлсангиз, албатта шифокорлик касбини танлаганлар билан гаплашинг.

Асримиз бошида юқумли касалликларнинг келиб чиқишини аниқлаш, уларга қарши курашиш усулларини топишда инсоният ўзига хос муваффақиятларга эришди. Инглиз шифокори А. Уайт қора ўлат хасталиги устида тадқиқот олиб бораркан, касалликни ўзида синаб кўришдан бошқа илож тополмади ва хасталик йирингини ўз танасига киритди. Орадан бир неча ой вақт ўтгач худди шу ишни австриялик олим А. Розенфельд такрорлади. Охир-оқибатда дард уларни ўлимга олиб борди. Аммо безгак хасталиги устида тадқиқот ўтказа туриб, ўз ихтиёрлари билан безгакка чалинган болонялик А. Биньями ҳамда В. Шоффнер минг азоб чекиб тирик қолишди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай инсонлар башариятни юқумли хасталиклардан фориғ этиш йўлида ўз саломатликлари эвазига иш тутдилар, айримлар бу мақсадда ўз ҳаётларидан воз кечдилар. Улар ҳаётни севмасмидилар? Севардилар, аммо ўз касбларини ундан-да кўпроқ севардилар.

Чилонзор туманидаги 2-силга қарши диспансернинг бош шифокори Хурсанд опа Исматуллаева Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медалига лойиқ топилганини эшитганимда юқоридаги сатрлар ёдимга тушди. Бу инсон беморни даволайман, дея ўлимга тик бормаган, касалланиб ҳам кўрмаган. Аммо умрининг 34 йилини сил хасталигига чалинган беморларни даволашга бағишлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳар куни эрта тонгда уйдан чиқаётиб хасталиги шифокорга ҳам юқиши мумкин бўлган беморлар билан мулоқот қилишга кетаётганини тасаввур қилиш осонми?

Яқин-яқинларда ҳам сил сўзи кўпроқ ўлимни эсга соларди. Бугунги кунда фтизиатрия соҳасида катта муваффақиятларга эришилди: самарали дори-дармонлар топилди, ўз вақтида аниқланган беморлар тўла шифо топиб кетишига эришилмоқда. Бу борада ҳатто жарроҳлик усулларидан ҳам фойдаланилаётир. Лекин ҳанузгача сил сўзи ўзининг нохуш қиёфасини йўқотмаган. Худди шунинг учун ҳам ҳозирда унча-мунча шифокор тиббиётнинг ана шу соҳасида ишлайвермайди. Фақат Хурсанд опадек фидойиларгина, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда ўз соғлиқларини гаровга қўя оладиган кишиларгина бу касбда ишлашга лойиқ.

— Хурсанд опа, айтингчи, ҳар қандай инсон ҳам шифокор бўла оладими?

— Менимча, йўқ. Чунки шифокорлик менинг назаримда касб эмас, шифокорлик — ҳаёт мазмуни. Ҳаёт мазмунини эса қалб амри белгилайди. Бировга «Сенинг қалбинг фалон деяпти», деб бўлмаганидек, унга «Сен фалон касбни танла» деб ҳам бўлмайди. Акс ҳолда бундай «маслаҳат»га қулоқ солган одам ҳаётда қаттиқ адашиши мумкин. Айниқса бу ҳолни тиббиёт соҳаси кечирмайди.

Хурсанд опанинг сўзларида бир олам маъно мужассам. Зеро, у кишининг турмуш ўртоғи ҳам зиёлилардан эди, аммо фарзандларига касб танлашда қалб амрига бўйсунишни маслаҳат беришди. Қизи Гулнора тарбиячи, Равшан ишчи, Ёдгор эса ҳайдовчи касбини эгаллашди. Жаҳон тиббиёти тараққиётига ҳисса қўшишда ўз соғлиғи, ҳатто ҳаётидан айрилган инсонлар ҳам қалб амрига бўйсунишган эди. Шунинг учун улар номи башарият тарихида қолди...

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.



*СУРАТДА: Хурсанд Исматуллаева.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## Мутахассис огоҳлантиради

## КЎП ТАРҚАЛГАН ХАСТАЛИК

Сариқ ёки Боткин хасталиги деб аталадиган эпидемия дунёда энг кўп тарқалган касаллик ҳисобланади. Бунда фильтрлашган вирус дейилувчи жуда майда микроорганизмлар касаллик чақиради. Гепатит вируси ташқи муҳитга яхши мослашади: уй ҳароратида бемалол яшай олади, қуёш нурлари унга таъсир қилмайди, совуққа чидамли бўлади, ахлат, сув, овқат таркибида узоқ вақт сақланиб қолади. Қўлга ва кундалик турмуш буюмларига ёпишган ҳолда яшаши ҳам мумкин. Шу сабабли бу касалликни худди дизентерия — ичкетар касаллиги сингари «Ифлос қўллар касаллиги» деб ҳам аташади.

Касаллик микроби одам ичагига кирганидан кейин аста-секин танага сингиб, қонга ўтади, жигарнинг яллиғланишига сабабчи бўлади. Бемор териси сариқ рангга киради, шунинг учун халқ орасида уни сариқ касаллиги деб аташади. Дастлабки аломатлари шунда намоён бўладики, одам бўшашади, иштаҳаси йўқолади, кўнгли айнийди, баъзан қусади. Беморнинг аъзои бадани оғирлашиб кетгандек туюлади, кейин эса гавданинг ўнг биқинида — жигар жойлашган қисмида оғриқ туради. Гоҳо касаллик энди бошланаётганда қорин дам бўлади ёки беморнинг ичи кетади. Касалликнинг бу даври бошланғич давр деб аталиб 7-8 кун давом этади, шундан кейин терида сарғайиш бошланади. Кўзнинг оқи, пешоб сарғиш тусга киради. Беморнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб боради, жигар атрофидаги оғриқ кучайиб, тобора кўпроқ аъзоларини қамраб ола бошлайди. Бадан қичишиб, уйғусизлик бошланади.

Касаллик уч ҳафтадан олти ҳафтагача давом этиши мумкин, шундан кейин бемор аҳволи яхшиланиб, тузала бошлайди. Бироқ шифокорга мурожаат қилмаган, парҳезга риоя этмаган ҳамда режим сақламаган беморларнинг аҳволи оғирлашиб кетиши, баъзан бир умрга ногирон бўлиб қолиши ва ҳатто касаллик кўнгилсизлик билан тугаши эҳтимолдан узоқ эмас. Касалликнинг энг оғир асорати — бу жигар циррози бўлиб, яна у жигарнинг ўткир дистрофиясига сабабчи бўлади, булар беморни ўлимга етаклаши мумкин. Юқумли сариқ хасталиги кичик ёшдаги болаларда, кекса кишиларда, ҳомиладор аёлларда ва бошқа касалга чалинган кишиларда қийин кечади. Спиртли ичимликни суъиистеъмол қилувчиларда ҳам бу дард оғир ўтади.

Хасталик бошланганда баъзан сарғайиш аломатлари бўлмайди. Бундай беморлар айниқса хавфли, чунки улар шифокорга кеч мурожаат қиладилар, узоқ муддат соғ кишилар ичида уларга вирус юқтирадилар.

Касалликнинг ҳар қандай босқичида бўлган бемор дард тарқатиш манбаи ҳисобланади. Масалан, соғлом киши бемор билан мулоқотда бўлганда ёки бемор ишлатган буюмлардан (кийим-бош, идиш-товоқ ва бошқалардан) фойдаланган вақтда юқиши мумкин. Ифлос сув, ифлос қўл, микроб тушган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ҳам касаллик юқиши мумкин. Очиқ сув ҳавзалари айниқса хавфли бўлиб, уларга оқава ҳамда ифлос сувлар сариқ хасталиги микробини олиб келади. Пашшалар ҳам касаллик тарқатади. Агар сабзавот ва ҳўл мевалар етиштирилаётган боғ ёки полизларни суғоришда таркибида микроб бўлган сувлардан фойдаланилган бўлса, бундай маҳсулотлар ҳам касаллик тарқалиш манбаига айланади.

Зулхумор ЭРМАТОВА,

*Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош эпидемиологи.*

## Халқ табобати

## ФАВВОРАНИНГ ХОСИЯТИ

Луқмони Ҳакимнинг даво таълимотида: «Оқар сувга тикилсанг, фавворага яқин турсанг дарддин форуғ бўлурсан»,— дейилган. Сабаб, далиллари недур? Оқар сув тепасида турганда чанг-тўзон заррачалари нафас йўлига кирмай, сувдаги тоза ҳаво — карбонад оксиди ўпкани тозалаб, микробларни ўлдиради. Фавворада эса у қуёш нури таъсиридан ўзида 7 хил ультрабинафша нурларини ҳосил қилиб, инсондаги 7 хил дардни даволагай. Балиқ ови, сувда сузиш ҳам асли шифодир.

## МИЯНИ ТОЗА ТУТ

Жисму жонингда оғриқ, ташвиш бўлмасин десанг, мия қатиқлари фильтрланиб хилтлардин форуғ, тоза бўлсин десанг ва бунга имконият бўлса 1 кун мобайнида 21 дона хандон писта майизини анойи қилмай, чайнаб-чайнаб ийлаб, малҳам қилиб ют. Унинг таркибидаги мой мия қатиғини фильтрлаб тозалагай. Ҳар чоршанба куни наҳорга 11 донадан исириқ донини ют, қонингни тозалагай. Наҳорга 70 граммдан узум е, даво бўлгай. Шунда тоза, покиза, соғлом юрурсан.

Анвархон АҲМАД қори ўғли,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

## Дил изҳори

## РАҲМАТ, НАЖОТКОРЛАР

«Ўриги ширин, данаги ундан ҳам ширин», деганларидек кексалик чоғингда невараларинг қалбинг овунчоғи, бамисли бир таянчдек бўлиб қоларкан кишига. Ўзим кўп болали онаман. Ҳозир пенсияда бўлганлигим сабабли ширин-шакар невараларимга жуда ўрганиб қолганман. Шу сабабдан невараларим Фаёз, Фирдавс, Нигоралар сариқ касали билан оғриб қолишганда бутунлай тинчимни, ҳаловатимни йўқотдим.

Шаҳримиздаги 4-болалар юқумли касалликлар касалхонаси шифокорлари — 3-бўлим бошлиғи Л. Меметова, врач Ф. Йўлдошева, катта ҳамшира Н. Жаводова, ҳамширалар М. Сайдалиева, М. Турсунова ва бошқаларнинг болажонларга нисбатан хушмуомалалиги, куюнчаклиги, қўлларидан келган барча даво чораларини қўллашлари бир мени эмас, балки бошқа болажонларнинг ҳам ота-оналарини қувонтирди. Ҳамма қатори тез кунда невараларим ҳам соғайиб яна бағримга қайтишди. Мен ушбу касалхонанинг оқ халатли нажоткорларига оналик миннатдорчилигимни билдириб, «Қўл, кўзингиз дард кўрмасин, жажжилар дардига малҳам бўлишдек савоб ишингизда Яратганнинг ўзи мадад берсин,» дейман.

Ҳури ВАЛИЕВА,
*Гвардиячи кўчаси, 194-уйда истиқомат қилувчи кўп болали она.*

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

***Мен ишлайдиган хонанинг чироғи кун бўйи ёниқ туради. Сўнгги пайтларда кўриш қобилиятим сусайганини сеза бошладим. Бунга ишхонамдаги чироқ сабаб бўлиши мумкинми?***

***Суннатилла АЛИМОВ, лойиҳачи.***

Агар хонада ёруғлик манбаи умуман бўлмаса, у ҳолда бундай жойда ярим кун ишлашга рухсат этилади. Борди-ю, хона деразали бўлса, унда кундузги ёритгич мосламасидан фойдаланиш муддати чекланмайди. Аммо бунда ёритиш ишлари тўғри ташкил этилган бўлиши керак: чироқлар иш жойидан у қадар узоқда жойлашмаслиги, ҳар хил рангларда товланмаслиги, қисқа-қисқа ёниб ўчиш, овоз чиқариш кабилардан ҳоли бўлиши лозим. Сунъий ёриткичда мавжуд бўлган симоб моддасининг ёритиш жараёнида ҳеч қандай хавфи йўқ. Муаллифнинг иш жойида ўзини ёмон ҳис этиши бутунлай бошқа омилларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, хона деворларининг ёмон ҳимояланганн натижасида улардан фенолформальдегид моддасининг ажралиши, атроф-муҳитнинг тоза эмаслиги, ёхуд ишчининг кўзойнак танлашда (агар кўзойнак тақса) адашгани бош оғриғини келтириб чиқарган бўлса эҳтимол. Бундай ҳолларда ўша ташкилот қошидаги меҳнатни ташкил этиш мутасаддиларига мурожаат қилиш лозим.

***

***Кун давомида киши танасининг ҳарорати ўзгариб туради. Қайси пайтларда бу ҳарорат энг юқори ва энг паст даражада бўлади?***

***Нажиба САМАРОВА, иқтисодчи.***

Энг юқори ҳарорат соат 17 да, энг паст ҳарорат эса тонгда бўлади. Аммо тунги сменаларда ишловчиларда бу кўрсаткич аксинчадир, яъни уларда энг юқори ҳарорат тонгда кузатилади. Инсон ўз танасидаги ана шу ҳарорат ўзгариши жараёнини охиригача сақлаб қолади. Об-ҳаво ҳарорати эса тана ҳароратидан доимо паст юради.

***

***Европаликлар узоқ йиллар давомида помидорни заҳарли мева деб ҳисоблаганлари ростми?***

***Ёдгор МУҲАМЕДОВ, мактаб ўқувчиси.***

Бу борада қуйидаги воқеани эслаш жоиз. Мустақиллик учун олиб борилган уруш йиллари Америка Қўшма Штатлари қўшинининг бош қўмондонлигида Жей Бейли исмли ошпаз хизмат қиларди. Бир вақтнинг ўзида у инглиз разведкаси ходими эди. 1776 йили Бейли генерал Вашингтонни заҳарлашга қарор қилади. Шундан сўнг унинг ўзи ҳам нариги дунёга ўз ихтиёри билан рихлат қилиши керак эди. Ўлими олдидан Англия разведкасига шундай мазмундаги мактуб йўллайди: «Мен генералнинг овқатига ғалати бир ўсимликнинг қизил меваларидан озгина солиб юбордим. Яна бир неча соатдан кейин генерал бу дунё билан хайрлашади. Мен ўз бурчимни адо этдим, бунинг учун мени жазолашларини кутиб ўтиролмайман...»

Бейлининг ўзи ҳам ўша қизил мевалардан заҳарланиб ўлишни мўлжаллаган эди. Аммо бундай азобдан қўрққан шекилли бу машъум ишда ошхона пичоғидан фойдаланишни афзал кўрди. Вашингтон эса ошпаз тайёрлаб қўйган овқатни паққос тушириб яна 23 йил умр кўрди. Заҳар дея ишлатилган мевалар помидор эди.

***

***Соч толаларининг яшаш даври қанча?***

***Саида РЎЗИЕВА, уй бекаси.***

Тахминан тўрт йил. Соч тўкилиши баҳор ва куз фаслида кўпаяди. Одатдаги ҳолда одамда бир кунда 50 та соч толаси бошни тарк этади.

Мурод РАҲИМОВ тайёрлади.



*Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида фаолият кўрсатиб, аллергик хасталикларга учраган беморларга ҳар томонлама, намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда ўз касбига меҳр ва ихлос қўйган, ширинсухан шифокор ва ҳамширалар ишлашади. Ана шундай шифокорлардан бири ассистент, олий тоифали шифокор Қутбиддин Низомовдир. У муолажаларни тўғри ва ўз вақтида белгилаши билан беморлар дардига малҳам бўлмоқда.*

*СУРАТДА: шифокор Қутбиддин Низомов (ўнгда) аллергик хасталикка учраган беморни кўрмоқда.*

*Даврон Аҳмад олган сурат.*

## ПЕМЗА НИМА?

Инсон ҳаёти давомида доимо соғ-саломат бўлишида гигиена қоидаларига риоя қилиши муҳим аҳамиятга эга. Баъзи кишилар юз-қўлларини кунига уч марта ювади-ю оёқларини эса кунлаб ювмайди. Ювилмаган оёқ товони ва кафтининг ички ёки ташқи қисмида эса қасмоқлар пайдо бўлиб, натижада тери юза қисмининг қаттиқлашиши содир бўлади. Хўш, бундай ҳолдан қутилиш учун қасмоқларни қандай йўл билан кетказиш мумкин?! Бунинг учун пемза ишлатилади.

Пемза денгиз атрофларида пайдо бўладиган ғовак ғиштга ўхшаган қотишма бўлиб, у билан оёқни ивитиб тозалаш ва ҳатто оёқ товонининг четларини текислаш мумкин. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида ғўзани чилпиганда қўл териларининг ранги кўкариб қолганда пемза ишлатилади. Пемза ишлатишдан аввал уни 1 фоизли содали сувда 10-15 дақиқа қайнатилади. Бу қотишма шахсий буюм бўлиб, у гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда ишлатилиши лозим. Пемза бўлмаган тақдирда оёқ қадоқларини оддий ғишт синиқлари билан ҳам тозаласа бўлади.

Туроб ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

## Туркистон халқлари маданияти форуми олдидан

# ИККИ ДЎСТ ДОСТОНИ

### Қозоғистон Республикаси халқаро мукофоти соҳиби, адиб Носир ФОЗИЛОВ ҳикояси

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).**

Зиёфат қизиб турибди, хуллас. Ҳў, боя юқорида санадик-ку номларини, шу адибларнинг жуда кўпчилиги иштирок қилаётган бир давра эди. Бошқа меҳмонлар ҳам кўп, дунё миқёсида! Гоҳ суҳбат, гоҳ мушоира, гоҳ баҳс... Бирбировга ҳурмат-эҳтиромларни, иззат- икромларни айтмайсанми, исботи билан бўлиб турибди. Ғафур акани эшитгансан-а, жуда шўх, ҳозиржавоб, давраларнинг гули бўлиб кетадиган одам эди! Бир гап билан даврани ўн кулдирарди. Шунақа чечан! Йўқ, мен Ғафур акачалик билимдон, хушчақчақ, гапга уста одамни кўрган эмасман! Ундай десак, Собит оға ҳам бу бобда Ғафур Ғуломдан қолишмасди... Ойбек ака билан Мухтор Авезов жуда қалин дўст эдилар. Иккаловиям камгап, камтар, болаларча содда, соф! Э-э, шоир, буларнинг тўртовиям замонасининг манаман деган донгдор кишилари, академиклари эди. Ёнига келган одамни ҳаяжон босиб, довдираб турарди. Ўзимизам улар билан суҳбатлашганда гоҳ қисиниб-қимтиниб, гоҳ ғурурланиб, гирдикапалак бўлардик-да.

Энди қулоқ сол:

**Шоир, адиб жамланган кенг давра эди,**
**Суҳбат қизди, ҳамма меҳмон ичди, еди.**
**Бир маҳали Ғафур ака тикланди-да:**
**— Ҳой қозоқ, сен тур ўрнингдан қани! — деди.**

**Собит оға менми дея бўлди ҳайрон,**
**Аланглаб ҳам қараб қўйди у ён-буён,**
**Ғафур ака бир ҳайқирди:**
**— Азиз дўстим!**
**Жон қозоғим, ўрнингдан тур, Собит Муқон!**

**Собит Муқон тоғдай бўлиб тикка турди,**
**Ғафур ака қучоқ очиб унга юрди:**
**— Биродарлар, мен васият айтмоқчиман,**
**Жим ўтириб эшитинглар! — деб буюрди.**

**— Тингла, Собит, сен шу икки қулоқ билан,**
**Ўзбек деган битта халқдир қозоқ билан.**
**Агар ўзбек йиғин қилса — қозоқ келар**
**Туркман, тожик, қирғиз, қорақалпоқ билан!**

**Мен не дейман? Суянмоққа сен тоғимсан,**
**Сен — бовуримсан, қошу кўзим, қароғимсан.**
**Тарихларнинг тор-қоронғи йўлларида**
**Етаклашган миллион йиллик қозоғимсан!**

**Жон қозоғим, тингла энди ушбу сўзим,**
**Гувоҳ бўлсин шунга барча қора кўзим,**
**Васиятим шулдир менинг: агар ўлсам,**
**Жасадимни лаҳад ичра жойла ўзинг!..**

**Сен қозоқдан тилагим шу, билиб қўйгин,**
**Суягимга ботар тошни суриб қўйгин,**
**Дўстинг қўли юмшоқ тегар, деган гап бор,**
**Оқ юзимни қибла томон буриб қўйгин!**

**Ғафур ака сўзин тамом қилгани он,**
**Терак каби қотиб турган Собит Муқон,**
**Мўлтир-мўлтир қараб чиқди меҳмонларга,**
**Ва... дўстини қучоқлади ўшал замон!**

**Иккита алп қаттиқ қучиб-кўришдилар,**
**Юзларини юзларига қўйишдилар,**
**«Воҳ, бовурим-ов, қароғим!» — деб бирин бири,**
**Эгиз қўйдай ялаб-ялаб суюшдилар.**

**— Ўзбек, сени ўз оғам деб айтган менман,**
**Оғамсан деб иззат-икром этган менман,**
**Ўтов тўла меҳмон бўлса, қўй калласин**
**Энг аввало ўз оғамга тутган менман.**

**Ўзбегим-ов, юрагингга қўлинг етқар,**
**Китобларинг варақлаб кўр, ростин айтар.**
**«Бобом! Момом!» — деб ёш тўксанг қай мозорга,**
**Шул мозорда менинг бобом, момом ётар!**

**Ана — Чингиз, Темур, Шайбақ, Бобурларим!**
**Мана — Уйғун, Туроб, Одил, Носирларим!**
**Дўстлар, сизни кўрсам чиндан суюнаман,**
**Жоним яйраб, тортиб кетар томирларим!**

**Бироқ, ўзбек, маҳов гапинг ошиб кетди,**
**Эшитдим-у, тиздан қувват қочиб кетди.**
**Менга азиз суягингни ишонганда,**
**Кўнглим эриб, жоним-қоним тошиб кетди...**

**— Ғафур! — деди кўзи ёшли Собит оға, —**
**Шу васият, шу сўзингга жон садақа,**
**Жасадимни лаҳад ичра жойла ўзинг,**
**Сендан олдин кетар бўлсам мен уёққа!..**

**Иккита алп яна қучиб-кўришдилар,**
**Юзларини юзларига қўйишдилар,**
**«Айланайин! Азизим!» — деб бирин бири,**
**Эгиз қўйдай ялаб-ялаб суюшдилар.**

**Икки уммон, икки қоя, эгиз қўзи,**
**Бир-бирига ёрлиқ бўлди сўнгги сўзи,**
**Суякларин ишонишган икки дўстга**
**Қараб сира тўймас эди инсон кўзи!..**

***

Шу воқеаларни қайта-қайта эслаб, Чиғатой қабристонига пиёдалаб йўл олдим. Ғафур аканинг қабри ёнида турибман.

— Ғафур ака, — дедим бўзлаб, — сиз бизларни ташлаб кетганингиздан кейин, бошқа қаламкаш дўстларингиз ҳам бирин-кетин дунёни тарк эта бошлади. Ўша улуғ давралардаги сафдошларингиз — Ойбек домла, устоз Қаҳҳор, Шайх домла, Собир Абдуллалар энди орамизда йўқ... Бугун Олмаотадан хабар келди, Ғафур ака! Қиёматлик дўстингиз Собит Муқон ҳам... Бизлар Олмаотага кетяпмиз ҳозир... қабрингиздан тупроқ... қабрингиздан тупроқ...

Гўрковларнинг бири менинг ҳиқиллаб турганимни хўв нарида кузатаётган экан. Атрофда ҳеч ким йўқ, битта ўзим пичирлаб туришим жуда қизиқ туюлса керак-да. Имлаб чақирган эдим, келди.

— Неччи йилдан бери шу ерда ишлайсиз?

Айтди.

— Ғафур ака дафн қилинган кунни эслай оласизми? Эсида экан!

— Ўша куни, Ғафур акани қабр ичига жойлаб чиққан одам-чи, уям эсингиздами?

— Алпомишдай гавдали қозоқ кишими? Эсимда...

— Қозоқларнинг Собит Муқон деган энг зўр ёзувчиси эди у! Ғафур ака билан қиёматлик дўст эдилар. Шундай дўст эдиларки, ўлсам суягимни гўр ичига сен жойлайсан, деб васият ҳам қилишган эди! Мен бугун Олмаотага кетяпман... Ўша оға... қазо қилибди...

Гўрков чўкка тушиб қуръон тиловат қила бошлади.

— Энди қабрнинг манови бир четидан озроққина тупроқ ушатасиз.

— Нима қилмоқчисиз? — ҳайрон бўлди гўрков.

— Опкетаман. Собит оғанинг қабри ичига сочаман... Улар қиёматлик дўст эдилар, тупроқлари ҳам қўшилиб кетсин...

Олмаотага учиб кетаётганимизда менинг киссамда оқ сурпдан махсус тикилган, устидан целлофан кийгизилган халтача ҳам бор эди. Лекин, манзилга етиб боргунимизча ушбу халтачадаги тупроқ ҳақида на Назир отага, на устоз Миртемирга миқ этиб оғиз очмадим. «Борганимизда айтарман-да...»

**(Давоми 4-бетда).**

